




БИНОВ А ИНШООТЛАР КАДАСТРИДА, КАДАСТР
ВА РЕЕСТР ДАФТАРЛАРИНИ ЮРИТИШ ТАРТИБИ

- Бинолар ва иншоотларни давлат рўйхатидан ўтказиш туман, шаҳар кадастр дафтарида, турар-жой бинолари ва иншоотлари туман реестр дафтарида амалга оширилади.
- Бинолар ва иншоотлар туман ер ресурслари ва давлат кадастрлари палатаси бўлимлари томонидан давлат рўйхатидан ўтказилган тақдирда улар тегишли кўчмас мулк кадастри хизматига бинолар ва иншоотлар давлат реестрини юритиш учун зарур бўлган ҳажмдаги давлат рўйхатидан ўтказиш маълумотларини берадилар.
- Давлат рўйхатидан ўтказишда кадастр ёки реестр дафтарида бинолар ва иншоотларга эгаллик ҳуқуқини ёхуд бошқа ашёвий ҳуқуқлар (уларнинг пайдо бўлиши, бошқа шахсга ўтиши, чекланиши ва тўхтатилиши) ҳақидаги, шунингдек объектни тавсифловчи бошқа ахборотлар тўғрисидаги маълумотлар ёзиб қўйилади.
- Махфийлик режимига эга бўлган бинолар ва иншоотлар махсус кадастр дафтарида рўйхатга олинади. Уни юритиш хусусиятлари ва бу объектларни рўйхатдан ўтказиш бўйича маълумотлардан фойдаланиш шартлари қонун ҳужжатларида белгиланади.

- Давлат рўйхатидан ўтказишда иловага мувофиқ кадастр дафтарига бинолар ва иншоотларнинг ҳуқуқий, хўжалик ва архитектура-қурилиш мақоми тўғрисидаги маълумотлар киритилади.
- Бинолар ва иншоотлар жойлашган жой, уларнинг эгалик ҳуқуқи ёхуд бошқа ашёвий ҳуқуқлар билан юридик ва жисмоний шахсларга тегишлилиги, бу ҳуқуқларнинг пайдо бўлиш асослари ва муддатлари, уларнинг тўхтатилиш муддатлари, эгалик ҳуқуқини ва бошқа ашёвий ҳуқуқларни чеклаш шартлари, бу объектларга учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги маълумотлар бинолар ва иншоотларни Давлат рўйхатидан ўтказишда кадастр ёки реестр дафтарига бинолар ва иншоотларга эгалик ҳуқуқини ёхуд бошқа ашёвий ҳуқуқлар (уларнинг пайдо бўлиши, бошқа шахсга ўтиши, чекланиши ва тўхтатилиши) ҳақидаги, шунингдек объектни тавсифловчи бошқа маълумотлар тўғрисидаги маълумотлар ёзиб қўйилади.
- Махфийлик режимига эга бўлган бинолар ва иншоотлар махсус кадастр дафтарида рўйхатга олинади. Уни юритиш хусусиятлари ва бу объектларни рўйхатдан ўтказиш бўйича маълумотлардан фойдаланиш шартлари қонун ҳужжатларида белгиланади.
- Давлат рўйхатидан ўтказишда иловага мувофиқ кадастр дафтарига бинолар ва иншоотларнинг ҳуқуқий, хўжалик ва архитектура-қурилиш мақоми тўғрисидаги маълумотлар киритилади. Шоотларнинг ҳуқуқий ҳолати ҳақидаги маълумотлар ҳисобланади.

- 
- Давлат рўйхатидан ўтказувчи органлар рўйхатдан ўтказиладиган ҳужжатлар ва маълумотларнинг аслигини ва ишончилигини текшириш, зарур ҳолларда эса қўшимча ҳужжатлар ва маълумотларни, бинолар ва иншоотлар тўғрисидаги асл ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилиш, шунингдек бинолар ва иншоотларни жойида текшириш ва баҳолаш ҳуқуқига эгадирлар.
 - Ҳар бир бино ва иншоот кадастр, реестр дафтарига муайян кадастр рақами остида ёзиб қўйилади.
 - Объектнинг кадастр рақами унинг кўчмас мулк объектлари ва ҳудудларни кодлаштиришнинг умумреспублика тизимидаги кодидан келиб чиқиб белгиланади. Объект коди маълумотларнинг компьютер базасини унификациялаш ҳамда яратиш учун мўлжалланган.
 - Бино ва иншоотга шахсий мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқлар ўзгарганда ёхуд тугатилганда ва пайдо бўлганда объектнинг рўйхатдан ўтказиш коди (рақами) ўзгармайди, объектнинг мулкдорлар ёки фойдаланувчилар ўртасида бўлиниши, шунингдек у жойлашган ер участкаси чегаралари ўзгариши ҳоллари бундан мустасно.



- Кадастр, реестр дафтарыдаги ёзувларни тuzатиш ёки тўлдиришга йўл қўйилмайди. Агар кадастр, реестр дафтарыга ки-ритилган маълумотларни, Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 2 июндаги 278-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 20-бандининг учинчи хатбошида назарда тутилган ҳоллардан ташқари, ўзгартириш ёки тўлдириш зарурати туғилса олдинги ёзувлар бекор қилинади ва объект тўғрисидаги маълумотлар ўша код (кадастр рақами) остида тўлдириб қўйилади.



- Бино ёки иншоотни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширган орган мулкдор ёки у ваколат берган шахсга бино, иншоотнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги кадастр паспортини ёки аудиокартани (гувоҳномани) беради ёхуд рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатга ёзиб қўяди.
- Мулкдор ёки ушбу объектга ашёвий ҳуқуққа эга бўлган шахс, шунингдек объектнинг ҳуқуқий ҳолати ўзгарган тақдирда кадастр ёки реестр китобида бино ёки иншоотни қайта рўйхатдан ўтказиш ҳолларида бино ёки иншоотни давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги янги гувоҳнома берилади, бунда эски гувоҳнома мажбурий тартибда олиб қўйилади ва бекор қилинади.

- Бино ёки иншоотнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома йўқотилган ёки бузилган тақдирда давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширган орган томонидан мулкдорга ёки у вақолат берган бошқа шахсга бино ёки иншоотнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг дубликати берилади. Дубликатни беришда давлат рўйхатидан ўтказганлик учун ундириладиган сумманинг иккидан бири миқдорда тўлов ундирилади.

